

РИШТОН ТУМАНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИТАЛИЯДАГИ ИККИНЧИ КУНИ ҚАНДАЙ КЕЧДИ?

Италияning Дерута шаҳрида бўлиб турган Риштон тумани делегациясининг бугунги куни ҳам анча қизғин кечди. Туман ҳокими бошчилигидаги делегация дастлаб Дерута шаҳридаги “Мария Ди Рипабианс” номли ипак ва жун матолари туқилган кийимларга ихтисослашган тикувчилик фабрикасига ташриф буюришди. Бу ерда фабрика раҳбарлари билан учрашув ташкил этилди, музокаралар олиб борилди. Риштон туманидан Дерута шаҳрига ипак, баҳмал матолар ҳамда жуп ипаклари жўнатилиши бўйича келишиб олинди.

Делегация аъзоларининг кейинги манзили - Luxury Cashmere корхонаси бўлди. Делегация аъзолари ипак ва жун матолари туқилган кийимларга ихтисослашган тикувчилик корхонасидаги иш жараёнлари билан танишишди, раҳбарлар билан учрашиб, музокаралар олиб борилди. Ипак ва қалава ипларини экспорт қилиш бўйича келишувга эришилди. Унга кўра, экспорт қилишдан олдин икки ҳафта давомида Риштон туманида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари юборишга келишиб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида делагция аъзолари Дерута шаҳри мэрияси ҳамроҳлигига тикувчилик корхоналари қошидаги савдо дўконларида бўлишди. Бу дўконлардаги замонавий либослар барчани ўзига ром этиши турган гап. Шундан кейин риштонлик уста кулоллар - Дамир Усмонов ва Бунёд Юнусовлар томонидан италияниклар учун мастер класс намойиш этилди.

Риштон тумани делегациясининг бугун Дерута шаҳрида жойлашган “Fuccelli” ускуналар ишлаб чиқариш компанияси билан ҳам танишиб чиқдилар.

Делегация аъзоларининг ташрифи давом этмоқда.

2021-11-26 21:42:26